

Тошкентда янги жоме масжид пойдеворига ғишт қўйилди



10:08 / 12.02.2019 1639

Тошкент шаҳри Миробод тумани “Оқ уй” жоме масжидини замонавийлик ва миллийликни инобатга олган ҳолда янги лойиҳа асосида қуриш ишлари бошлаб юборилди, деб хабар қилмоқда ЎМИ Матбуот хизмати.

11 февраль куни бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов иштирок этиб, масжид биносининг биринчи ғиштини қўйиб берди.

Қайд этилишича, маросимда уламолар, маҳалла фаоллари ва мўйсафид отахонлар иштирок этганлар. Шунингдек, уламолар, нуронийлар ва эзгу ниятда йиғилган инсонлар ҳам бирин-кетин пойдеворга ғишт қўйдилар.

Islom.uz портали таҳририяти